



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 2 » noyabr

№ 634

Toshkent sh.

Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси бошлиқларини лавозимларга тайинлаш ҳамда лавозимларидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тузилмасига кирувчи Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга профессионал иш тажрибасига, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган кадрларни лавозимларга тайинлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Соҳибжон Файзуллаевич Джумаев Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин ва ўз аризасига асосан **Ҳаёт Ҳасанович Давлатов** ушбу лавозимдан озод қилинсин;

Тимур Уктамович Турдибоев Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин ва ўз аризасига асосан **Махмуд Пардабаевич Турсунов** ушбу лавозимдан озод қилинсин;

Зоҳиджон Закирович Зокиров Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин ва ўз аризасига асосан **Актам Зиядуллаевич Чоршанбиев** ушбу лавозимдан озод қилинсин;

Лазиз Алихужаевич Позилов Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин ва ўз аризасига асосан **Акмал Умарович Рахмонов** ушбу лавозимдан озод қилинсин.

2. **Дилшод Абдуғаниевич Ниязов** ўз аризасига асосан Наманган вилояти қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи лавозимидан озод қилинсин.

Қурилиш вазирлиги Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига профессионал иш тажрибасига, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган кадрлар юзасидан таклифларни икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 июндаги ПҚ–276-сон қарорига асосан Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси бошлиғи **Жалол Самандарович Арашов** Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири ўринбосари этиб тайинланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Саид Шахатамович Тухтаев Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин.

Қурилиш вазирлиги томонидан Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – шаҳар бош архитектори лавозимига тавсия этилган **Шовкат Камилджанович Дусмухамедов** номзоди маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов